

Мирзакаримова М.М.,

Инновацион технологиялар маркази
катта илмий ходими, иқтисод фанлари
номзоди, доцент;

Ботиров Б.Н.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети иқтисодиёт
факультети магистранти

ТАРКИБИЙ ҲАДАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИШЧИ КУЧИ ТУШУНЧАСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари иқтисодиёти техник жиҳатдан мислсиз юксалиб, замонавий технологиялар билан таъминланган. Ҳтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, янги техника ва технологиялар билан қуроллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Фан ютуқлари ҳозирги пайтда иқтисодий ўсиш омили ҳисобланади. Бу эса иқтисодиёт назариясида «ишчи кучи» тушунчасининг «инсон капитали», «интеллектуал капитал» каби тушунчалар орқали нотўғри талқин қилинишини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун иш билан бандлик масалаларини ёритишдан олдин ишчи кучи тушунчасига нисбатан вужудга келаётган замонавий қарашларни илмий-назарий таҳлил қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

«Интеллектуал капитал» тушунчаси ўтган асрнинг 90-йилларининг бошида пайдо бўлди ва «корхона барча ходимларининг жами билимлари мажмуини ўзида мужассамлаштирди, бу унга бозордаги рақобатда устунликни тақдим этди»¹. Билимлар мажмуаси, яъни инсон салоҳияти ҳақида гап кетар экан, Республикамиз Президенти И.А.Каримов: «Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»², деб таъкидлайдилар.

«Интеллектуал капитал» тушунчаси тўғрисида иқтисодчи-олимларнинг турлича нуқтаи назарлари ва ёндашувлари мавжуд. Шундай экан, бу тушунчанинг илмий-назарий талқинини таҳлил қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бунда билимлар деганда, корпорацияга тегишли патентлар, жараёнлар, бошқарувчилик кўникмалари, технологиялар, мижозлар ва мол етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотларга эгалик ҳамда мавжуд тажрибалар тушунилган. Кейинчалик бу таъриф қуйидаги тарзда аниқланган: «Бу – ишловчилар эга бўлган билимлар;

бу – корпорацияларга бозордаги вазият ўзгаришларига рақобатчиларга қараганда тезроқ мослашиш имкониятини берадиган электрон тармоқдир; бу – компания ва мижоз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган ҳамда истеъмолчиларни яна ва яна янгиладан жалб этадиган шерикчиликдир»³.

Мазмуни жиҳатдан шунга ўхшаш таърифни бошқа тарафдорлар ҳам тавсия этадилар. Улар «интеллектуал капитал»ни «инсон капитали (компания ишчиларининг реал ва потенциал интеллектуал лаёқатлари ҳамда тегишли амалий кўникмалари) ва таркибий капиталнинг (истеъмолчилар билан алоқалар, бизнес жараёни, маълумотлар базаси, брендлар ва IT-тизимлар каби ўзига хос омиллар билан белгиланадиган компания капитали унсурлари) ўзига хос бирикиши» сифатида қийматни⁴ ўзгартириши мумкин бўлган билимлар сифатида талқин қиладилар⁵.

Агар бирлари «инсон капитали» тушунчасида ишчиларнинг билим ва ижодий лаёқатларини ифодаласалар, бошқалари инсоннинг нафақат маънавий, балки жисмоний лаёқатларини ҳам кўзда тутадилар. Бунда, бир томондан, «интеллектуал капитал» тушунчаси «инсон капитали» тушунчасидан торроқ маънони англатади. Аммо

¹ Stewart T. Brainpower: Intellectual capital. // Fortune magazine. 03. 06. 1991. Vol. 123. № 11. P. 44.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. –74–75-б.

³ Stewart T. Intellectual capital. The new wealth of organizations. N. Y. – L., 1997. P. 10; Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: «Academia- Наука», 1998. –С. 340.

⁴ Edvinsson L., Sullivan P. Developing a model for managing intellectual capital. // European management journal, 1996, vol. 14, № 4. P. 356–364.

⁵ Эдвинсон Л. Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях. – М.: «ИНФРА-М», 2005. –С. 20.

бошқа томондан, кенгроқ маънони беради, чунки инсон лаёқатларидан ташқари, ижодий меҳнат шароитлари (интеллектуал ускуналар, патентлар ва ҳ.к.) ва натижаларини ҳам ўз ичига олади.

Афсуски, кўпчилик олимлар «интеллектуал капитал» тушунчасини ишлаб чиқариш омиллари назарияси нуқтаи назаридан талқин қиладилар. Ғарбдаги муаллифларнинг билимларга меҳнат ва реал капитал билан бир қаторда, ишлаб чиқариш мустақил омили сифатида қарашлари МДҲ давлатлари адабиётларида ҳам намоён бўла бошлади¹.

Бу нуқтаи назарга классик сиёсий иқтисод тарафдорлари қўшилмайдилар. Улардан бирининг таъкидлашича, «Юқори интеллектуал салоҳият билан белгиланадиган ривожланган лаёқатлар, бой билимлар заҳираси капиталга эмас, балки замонавий кишига хос белгилар ҳисобланади»². Бошқалари янада аниқроқ: «Билимлар ва ахборотлар ... меҳнат, асосий ва айланма фондлар (ишлаб чиқариш воситалари) ҳамда ер билан бир қаторда, мустақил ишлаб чиқариш омили бўлмайди»; билимлар ва илм-фан «ишлаб чиқариш асосий омиллари мантиқий қаторидан

чиқмаган ҳолда меҳнатнинг «ақлий унсурлари» даражасини оширади». «Билимлар, фан, ахборотларнинг ривожланиши инсон ялпи ишчи кучи ривожланишининг муҳим унсури, таркибий қисмидир»³.

Бизнинг фикримизча, инсоннинг билимлари унинг интеллектида муҳассамлашган билимлар ёки «жонли» билимлар сифатида ўз ҳолича инсондан алоҳида амал қила олмайди. У ишлаб чиқариш «инсоний», субъектив омилининг ажралмас унсури – ишчи кучи ҳисобланади. Шу сабабли билимларни субъектив ва объектив омиллар билан бир қаторда, амал қиладиган ишлаб чиқаришнинг мустақил омили сифатида тасаввур қилишга объектив зарурият ва мантиқий асос йўқ.

Ишчи кучи – бу организм, жонли инсон шахси эга бўлган жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндиси эканлиги XIX асрдаёқ маълум бўлган. Ўша давр иқтисодиётида моддий ишлаб чиқаришдаги жисмоний меҳнатнинг аҳамияти устун бўлганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Аммо бу, масалан, мамлакатимизда вужудга келаётган саноатлашган ғоялар учун хос бўлган меҳнат омилини фақат жисмоний меҳнат билан изоҳлашга имкон бермаслиги керак. Шунга асосланиб, кўпинча индустриалашган жамиятда меҳнат ижод билан боғланганлиги кўзда тутилади.

Билимлар ишчи кучининг бошқа хоссаларидан фарқ қилиб, иккита хусусиятга эга.

¹ Астапов К. Инновации промышленных предприятий и экономический рост. // «Экономист», 2002, №6; Кириченко Е.А., Шабашев В.А. Институт интеллектуальной собственности: содержание, формы и проблемы развития. – Кемерово, 2004. –С. 84; Любимцева С., Чуприк Ю. Концепция неоиндустриализма и экономическое развитие России. // «Экономист», 2005, №4. –С. 21; Матеров И. Факторы развития «новой экономики» в России. // «Экономист», 2003, №2. –С. 11.

² Щетинин В. Человеческий и вещественный капитал: общность и различие. // «Мировая экономика и международные отношения», 2003, №8. –С. 58.

³ Черковец В.О. О содержании понятия «реальный сектор экономики» и роли материального производства. // «Российский экономический журнал», 2001, №11–12.

Биринчидан, у меҳнат жараёнида йўқолиб кетмайди, демакки, жисмоний эскиришга тортилмайди. Агар инсоннинг жисмоний кучи меҳнатни амалга оширгандан кейин истеъмол жараёнида тикланишни талаб қилса, билимлар эса бир вақтнинг ўзида маҳсулотда буюмлашади ва ишчида сақланиб қолади, яъни табиий иккиланиш хоссасига эга бўлади.

Иккинчидан, ўз сифатини сақлаб қолиш учун ишчининг илмий билимлари мунтазам янгиланиб боришни ва узлуксиз таълим олишни тақозо қилади.

Бундан интеллектуал ишчи кучи эгасининг даромади қўл меҳнати ишчисининг даромадидан юқори сифатни сақлаб қолишга, узлуксиз таълим олишга харажатлар миқдорида катта бўлиши кераклиги келиб чиқади (инсоннинг таълими ўқитишдан кенгроқ тушунча ва нафақат касбий билимларга, балки кенг кўламдаги маданий неъматларга бўлган эҳтиёжни ҳам ўз ичига олади). Бироқ бу тушунчаларни чалкаштиришга имкон қолдирмайди, бунда интеллектуал ишчининг нисбатан юқори даромадини иш ҳақи, деб эмас, балки интеллектуал капиталдан олинадиган фойда, деб аталади.

Интеллектуал ишчи кучини сақлаш ва қоплашга харажатлар – бу малакали ишчига инвестициялар эмас, балки оддий ишчига қараганда юқорироқ сифатдаги истеъмолдир.

Агар шу тариқа мулоҳаза юритадиган бўлсак, адабиётларда учрайдиган мантиқий қарама-қаршиликлардан қочиш, ишчиларни чексиз билимларга эга бўлган ва эга бўлмаганларга ажра-

тиш имкониятини истисно этиш ҳамда «интеллектуал капитал»ни меҳнат билан бир қаторда, мустақил ишлаб чиқариш омилига ажратиш учун ҳар қандай асосни бартараф қилиш мумкин бўлади. «Интеллектуал капитал» тушунчасини киритиш моҳият жиҳатдан ҳозирги замон фирмаси капитали қийматини яратишда инсон билимларининг роли ўсиб бораётганлигининг ўзига хос ифодасидир.

Билимлардан фойдаланадиган тадбиркорнинг оддий даромадига қараганда, юқорироқ ўсган даромади тўғрисида шуни айтиш мумкинки, бу капитал янги тури (интеллектуал)дан қандайдир алоҳида даромад тури эмас, балки монопол фойданинг бир кўринишидир. Тажрибанинг кўрсатишича, «интеллектуал» тадбиркор интеллектуал маҳсулотга монопол (ҳосилавий) нарх белгилайди.

Билимлар у кимга тегишли бўлса, ўша учун эмас, балки ким уни фойда олиш йўлида ишлатаётган бўлса, яъни капиталлаштираётган бўлса, ўша учун капитал ҳисобланади.

«Интеллектуал капитал» эгаси қўйилмалардан (таълимга харажатлар) шахсан фойдаланаётган киши эмас, балки билимлар субъекти томонидан яратиладиган қўшимча қийматни ўзлаштирадиган кишидир. Демак, билимлар ишчининг эмас, балки тадбиркорнинг қўлида капитал сифатида намоён бўлади. Ишчи учун билимлар ишчи кучининг ажралмас унсуридир.

Интеллектуал ишчи кучи ва «интеллектуал капитал»ни бундай фарқлаш турли иқтисодий муносабатлар ва улар томонидан амалга оширила-

диган иқтисодий вазифаларни аниқ тушунчаларда ифодалаш тақозоси ҳисобланади.

Билимлар интеллектуал ишчи кучининг мазмунини ифодалайди. Шу сабабли «интеллектуал капитал», деб номланадиган бундай билимларни мустақил ишлаб чиқариш омили сифатида ажратиш асоссиздир.

Айрим миллий муаллифларимиз уни бошқа омилар билан бир қаторда амал қиладиган ишлаб чиқариш омили сифатида ўрганадилар. Бироқ улар «интеллектуал капитал» тушунчасида ифодалайдиган мазмуннинг таҳлили шундан далолат берадики, уни олдиндан маълум бўлган тушунчалар – «ишчи кучи», «ишлаб чиқариш воситалари», «доимий ва ўзгарувчан капитал» тушунчалари орқали тўлиқ ёритиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, қатор муаллифлар, «инсон капитали» тушунчасининг туб белгиси бўлиб «капитал» сўзи чиқишини тўғри кўрсатишади ва аниқлашади: «Инсон капитали» иқтисодий тушунчаси – бу иқтисодиёт назарияси сиёсий иқтисод, деб юритилган даврда кашф қилинган ва илмий асосланган ўзгарувчан капиталнинг замонавий талқинидир. Демак, инсон капитали ишчи кучи қийматига эквивалентдир.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг компьютерлаштирилиши ишчида капиталнинг (инсон, интеллект – юксак билимдонлик кўникмаси) пайдо бўлишига эмас, балки ишчи кучи сифатининг ва интеллектуал малакасининг ўсишига олиб келди. Шу сабабли «интеллектуал капитал» ўрнида ишчи

кучининг янги шакли – интеллектуал ишчи кучининг пайдо бўлишини кўриш мумкин.

Ишчи қандайдир алоҳида капиталнинг эгаси бўлиб қолмайди. Биринчидан, капитал бегоналашиш хоссасига эга бўлади, ишчи кучи эса ишчидан бегоналашмайди. Интеллектуал капитал назариясининг тарафдорларининг таъкидлашича, ишчи кучига бегоналашмаслик хос¹. Аммо бу ишчи интеллектуал капиталга эмас, балки интеллектуал ишчи кучига эга эканлигини билдиради. Иккинчидан, «интеллектуал капитал» ўз эгасига даромад келтириш учун меҳнат жараёни амалга ошиши, яъни ишчи кучи сарфланиши зарур. Меҳнат қилмаган ишчи – «интеллектуал капитал» ўзининг ўсган даромадини ололмайди, бунда ҳақиқий капитал сингари ўз меҳнати туфайли эмас, балки ёлланма меҳнатга харажатлар туфайли ўз эгасига даромад келтиради.

«Интеллектуал капитал»нинг мустақил ҳодиса сифатида амал қила олмаслиги уни таркибий унсурлар асосида объектив ўлчашнинг мумкинмаслиги билан ифодаланади. Бу уникал билимлардан фойдаланадиган фирмаларнинг бозордаги монопол ҳолатини сақлаб қолиш имкониятларининг субъектив баҳосидир.

Билимларнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги мустақиллигини

¹ Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: «Academia-Наука», 1998. – С. 341; Рафаилов А.М., Проскуряков В.А., Радионов В.Б. Интеллектуальный капитал предприятия как стратегический фактор развития. // «Технология машиностроения», 2005, №3. – С. 71; Эдвинсон Л. Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях. – М.: «ИНФРА-М», 2005. – С. 120.

асослаган ҳолда индустрлашган давр назариячиларининг таъкидлашича, бу омил харажатлари олдингидек, меҳнат ёки капитал сарфлари сингари соф миқдорий жиҳатдан ҳам асосийси бўлиб қолади¹. Бироқ бу фикрни улар қаттиқ асосланган статистик маълумотлар орқали асосламайдилар. 1991 йилда АҚШда фақат ахборот ва информацион технологияларга эга бўлиш учун сарфланган харажатлар 112 миллиард доллар, ишлаб чиқариш технологиялари ва асосий фондларни қўлга киритиш харажатларидан 107 миллиард доллардан ошиб кетганлигига асосландилар. Шунга қарамай, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) маълумотларига кўра, дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида билимларга инвестициялар (ИТТКИ, таълим ва дастурий таъминот харажатлари) асосий фондларга инвестициялардан ошмайди. Масалан, 1995 йилда билим олишга инвестициялар миқдори асосий фондларга инвестициялар миқдорининг Японияда 23%дан Швецияда 73%гачасини ташкил этди².

Ҳақиқатда билимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши мазмуни бундай: бир томондан, у ишчи кучининг унсури сифатида чиқади, бошқа томондан, инсон томонидан яратилган буюмларда: ишлаб чиқариш воситалари ва бошқаларда ифодаланadi. Мос равишда, бу унсурулар инсон интеллектида таркиб

топган жонли билим ва қопланган билимни ўзида мужассамлаштиради.

Бунда жонли билим муҳим роль ўйнайди, чунки у қопланган билимнинг, демакки, бутун интеллектуал салоҳиятнинг ягона манбаи ҳисобланади. Шу тариқа ифодаланган интеллектуал салоҳият ҳозирги замон фирмаси капиталининг қийматини яратишда инсоннинг ролини долзарблаштиради, чунки жонли билимнинг мутлақ ифодаси ҳисобланади.

Мазмуни жиҳатдан жонли билим инсон салоҳиятига, қопланган билим таркибий капиталга мос келади. Таркибий капитални моддийлашган билим сифатида эмас, балки айнан қопланган билим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Чунки унинг дастурий таъминот, ташкилий таркиб, патентлар, савдо ярмаркалари, шериклар билан муносабатлар каби кўплаб унсурулари, жисмоний, буюмлашган шаклга эга эмас, балки шу билан бирга ундан алоҳида амал қилган ва қандайдир буюмларда қопланган ҳолда инсон онгининг маҳсули ҳисобланади.

Таркибий капиталнинг меҳнат жараёнида, маҳсулот яратишда (масалан, компьютер тизимлари ва дастурий таъминот, маълумотлар базаси, картотекалар) бевосита иштирок этадиган унсурулари замонавий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади. Маҳсулот қийматини яратишда бевосита қатнашмайдиган унсурулар – ташкилий таркиб, патентлар, савдо ярмаркалари, мижозлар ва мол етказиб берувчилар билан муносабатлар бевосита ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланмайди. Улар фойда меъёрини ўртачадан юқорироқ

¹ Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: «Academia-Наука», 1998. –С. 320.

² Organization for Economic Cooperation and Development. Science, Technology and Industry Scoreboard 1999. Benchmarking Knowledge-Based Economies – Paris: OECD, 1999.

ўстириш омиллари сифатида чиқади, аммо маҳсулот ишлаб чиқариш омили ҳисобланмайди. Чунки замонавий фирма капитали қийматни яратишга эмас, балки ҳаракатлантиришга, меҳнат жараёнида яратилган қийматни рақобат жараёнида қайта тақсимлашга кўмаклашади.

Бу унсурлар капиталнинг янги, ўзгарган шакллари ҳисобланади, чунки капитал томонидан қабул қилинадиган образлар, яъни ишчи кучидан фарқли капиталга мансубликни ташкил қиладиган, ундан пайдо бўлган ва унинг таркибига кирган шундай бирикмалар сифатида ишчига қарши туради. Илм-фан ва унинг қўлланиши ҳақиқатдан ҳам алоҳида ишчининг санъатидан ва унинг ўз ишини яхши билишидан иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашади ҳамда капитал таркибига кирган унсур сифатида чиқади.

Биз киритган «жонли ва қопланган билимлар» тушунчаси капитал унсурлари номининг оддий ўзгартирилиши ҳисобланмайди. Инсоннинг бу ҳодисадаги ҳақиқий ўрни – ишчининг капиталга муносабати тўғрисидаги хато тасаввурдан қочиш учун тушунчаларни пухта аниқлаш зарур бўлади.

Капиталнинг бу таркибий қисмлари меҳнат жараёни нуқтаи назаридан объектив ва субъектив омиллар сифатида, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сифатида фарқланади, қийматни ўстириш жараёни нуқтаи назаридан эса доимий ва ўзгарувчан капитал сифатида фарқланади. Ишчи кучи унсури сифатида ўрганиладиган жонли билим ўзгарувчан капитал унсури ўзида мужассамлаштиради. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган таркибий капитал ун-

сурлари (қопланган билимлар) доимий капитал унсурини ифодалайди.

Шундай қилиб, янги «интеллектуал капитал» эмас, балки олдиндан маълум бўлган омиллар – ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари ҳамда фиктив капитал (таркибий капиталнинг буюмлашмаган қисмлари) янги шакллари янги бирикмаси мавжуд бўлади.

Жонли билим (ишчи кучининг таркибий унсури сифатида) қиймат яратади. Таркибий капиталнинг буюмлашган унсурлари ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказишади. Буюмлашмаган унсурлар – қийматни яратишда умуман қатнашмайди, жонсиз унсур сифатида улар қийматни маҳсулотга ўтказишга олмайдилар. Улар айрим табиий кучлар ва ижтимоий унумдор кучлар (кооперация, фан, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари) сифатида тадбиркорга бепул тақдим этилади. Шу билан бир вақтда фиктив капиталнинг келтирилган унсурлари товар нархининг интеллектуал рента миқдоридан ўсишига кўмаклашади. Чунки рақобат курашида мазкур тадбиркор монополизмининг омили ҳисобланади. Айнан шу ҳодиса «интеллектуал капитал» таълимотида фирма капитали қийматини яратиш сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатда эса монопол фойда миқдоридан (ушбу вазиятда интеллектуал рента) нархнинг ўсиши қийматни яратишга таъсир қилмайди.

Шундай қилиб, меҳнат-қиймат назарияси ҳозирги замон корхонаси фаолиятида унинг капиталини яратишнинг ягона манбаи сифатида инсон ва инсон меҳнатининг ролини тўғри кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Астапов К. Инновации промышленных предприятий и экономический рост. // «Экономист», 2002, №6.
3. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: «Academia-Наука», 1998.
4. Кириченко Е.А., Шабашев В.А. Институт интеллектуальной собственности: содержание, формы и проблемы развития. – Кемерово, 2004. –С. 84.
5. Любимцева С., Чуприк Ю. Концепция неоиндустриализма и экономическое развитие России. // «Экономист», 2005, №4. –С. 21.
6. Матеров И. Факторы развития «новой экономики» в России. // «Экономист», 2003, №2. –С. 11.
7. Проскуряков В.А., Радионов В.Б. Интеллектуальный капитал предприятия как стратегический фактор развития. // «Технология машиностроения», 2005, №3. –С. 71.
8. Stewart T. Brainpower: Intellectual capital. // Fortune magazine. 03.06.1991. Vol. 123. № 11. P. 44.
9. Stewart T. Intellectual capital. The new wealth of organizations. N.Y. – L., 1997.
10. Edvinsson L., Sullivan P. Developing a model for managing intellectual capital. // European management journal. 1996. vol. 14. № 4. P. 356–364.
11. Эдвинсон Л. Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях. – М.: «ИНФРА-М», 2005. –С. 20.
12. Щетинин В. Человеческий и вещественный капитал: общность и различие. // «Мировая экономика и международные отношения», 2003, №8. –С. 58.
13. Черковец В.О. О содержании понятия «реальный сектор экономики» и роли материального производства. // «Российский экономический журнал», 2001, №11-12.